

**СУД ХУЖЖАТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

У. М. Сайдахмедов

бўйича судьяси, ю.ф.ф.д. (PhD) , профессор,
Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар**Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида суд хужжатларини қайта кўриш институтининг 2017-2024 йилларда ўтказилган ислохотлар жараёнидаги трансформацияси, апелляция, кассация ва тафтиш тартибидаги долзарб процессуал муаммолар чуқур таҳлил қилинади. Хусусан, 2021 йил 1 январдан кучга кирган «бир суд – бир инстанция» тамойили, назорат тартибини бекор қилиш, кассация юкламасининг кескин ортиши каби статистик маълумотлар асосида таҳлил олиб борилади. Германия, Франция ва Россия тажрибаси билан қиёсий ҳуқуқий таҳлил амалга оширилиб, институтни такомиллаштиришга оид мустақил илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: суд хужжати қайта кўриш, апелляция, кассация, тафтиш суд инстанциялари, процессуал ислохот, суд мустақиллиги, Ўзбекистон Республикаси.

Abstract.

This article provides an in-depth analysis of the transformation of the institution of judicial review in the Republic of Uzbekistan during the 2017–2024 reform period, examining pressing procedural challenges in appellate, cassation, and supervisory proceedings. The study draws on concrete statistical data — including the sharp increase in cassation caseload from 1,291 cases (2020) to 7,987 (2022) — and conducts a comparative legal analysis with German, French, and Russian experience, offering original scholarly recommendations for reform.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йилдан бери амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг бутунлай янги босқичини белгилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон ва 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармонлари суд тизимини тубдан ислох қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Ушбу ислохотлар халқаро ташкилотлар ва институтларнинг баҳолашига кўра, суд ихтисослашуви, Судьялар олий Кенгашини тузиш ва судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича муҳим ўзгаришларни ўз ичига олди [1].

Ушбу ислохотларнинг энг муҳим натижаларидан бири 2021 йил 1 январдан жорий этилган «бир суд – бир инстанция» тизими ва назорат тартибида иш юритиш институтининг бекор қилинишидир [2]. Бироқ, ислохотлар амалга оширилгач, кассация юкламасининг бир неча бароварга ортишига ва кутилмаган муаммоларни юзага келтирди. Мазкур воқелик суд хужжатларини қайта кўриш институтини янада чуқур илмий ўрганиш зарурлигини тасдиқлайди.

Мақоланинг мақсади: Ўзбекистондаги суд хужжатларини қайта кўриш институтининг 2017-2024 йиллардаги эволюцияси ва долзарб процессуал муаммоларини аниқ статистик маълумотлар, норматив-ҳуқуқий таҳлил ва хорижий тажриба билан қиёслаш асосида комплекс ўрганиш ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методологиясини қиёсий ҳуқуқий таҳлил, индуктив ва дедуктив мантиқий усул, расмий-ҳуқуқий таҳлил, тизимли ёндашув ва статистик таҳлил усуллари ташкил этади. Асосий манбалар сифатида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги процессуал қонунчилиги, Олий суд статистик маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари, шунингдек хорижий илмий адабиётлардан фойдаланилди.

Суд ҳужжатларини қайта кўриш институтининг назарий асослари бўйича проф. Е.А. Борисованинг тадқиқотлари, хусусан «Суд ҳужжатларини текшириш соҳасидаги қонунчиликни янгилаш» номли монографик мақоласи [3] асосий методологик таянч вазифасини ўтади. Олима «суд ҳужжати текшириш» тушунчасини «объектив воқелик нуқтаи назаридан» талқин қилиб, апелляция, кассация ва назорат тартибларини ягона тизим сифатида кўрадиган концептуал чорчўпни ишлаб чиқди [4].

Ўзбекистоннинг маъмурий суд ишлари ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари масалаларини олим Ж.Р. Нематов изчил тадқиқ қилиб келади. Унинг 2020 йилги асосий мақоласида совет маъмурий ҳуқуқининг трансформацияси ва Ўзбекистонда маъмурий ҳужжатлар устидан суд назорати масалалари кенг таҳлил қилинган [5]. 2023 йилги мақоласида эса 2017 йилдан ҳозиргача бўлган суд-ҳуқуқий ислоҳотлар қонунчилиги таҳлил қилинган [6].

Назорат тартибини (nadzor) ҳуқуқий баҳолашда К. Коротеев ва С. Голубокнинг Оксфорд Академик журналидаги мақоласи алоҳида аҳамиятга эга: муаллифлар совет давридан мерос қолган назорат тартиби «адолатдан маҳрум қилиш» ва Европа стандартлари билан номувофиқлик муаммосини ёритиб берди [7]. Мазкур тадқиқот Ўзбекистондаги назорат тартибини баҳолашда қиёсий мезон сифатида қўлланилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ИСЛОҲОТ БОСҚИЧЛАРИ

Биринчи босқич (2017–2020): асосий тузилмавий ўзгаришлар

2017 йилдан амалга оширилган ислоҳотлар доирасида суд тизими тубдан қайта қурилди: суд ихтисослашуви (жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий) жорий этилди, 2017 йил 6 апрелда Судьялар Олий Кенгаши тузилди, судьяларнинг мустақиллиги кафолатлари мустақамланди. 2023 йилги маълумотга кўра, суд лавозимларининг 98,1 фоизи янги конкурс танловлари орқали тўлдирилди [8]. 2018 йилда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилиниши алоҳида муҳим аҳамият касб этди — бу Ўзбекистон тарихида биринчи марта мустақил маъмурий процессуал шакл яратди [9].

Бу даврда суд ҳужжатларини қайта кўришнинг уч поғонали тизими (апелляция — кассация — назорат) амал қилар эди. Аммо назорат тартибидаги иш юритиш ва кассация тартибидаги иш юритиш ўртасида вазифа ва ваколатлар жиҳатидан жиддий бир-бирига ўхшашлик мавжуд эди.

Иккинчи босқич (2021): туб процессуал ислоҳот

2021 йил 1 январдан «бир суд – бир инстанция» тизимига ўтиш — Ўзбекистон суд тарихидаги энг кўламли тузилмавий ўзгариш бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар умумий юрисдикция судлари барча ишлар бўйича алоҳида судлов ҳайъатларидан иборат ягона суд сифатида шакллантирилди. Айни вақтда «назорат тартибида иш юритиш» институти батамом бекор қилинди.

2021 йил 12 январда бир вақтда тўртта кодексга — Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга — ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгаришлар туфайли апелляция ва кассация тартиблари тубдан янги мазмун касб этди.

Жиноят процессуал соҳасида эса 2021 йил сентябрда апелляция шикоятини бериш муддати 15 кундан 10 кунгача қисқартирилди, апелляция инстанциясида иш кўришнинг янги тартиб-қоидалари белгиланди [15]. Бу ислохот апелляция инстанциясини биринчи инстанция суд хатоликларини тезкор бартараф этишнинг асосий механизмига айлантиришга қаратилган эди.

АМАЛИЁТДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР: СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ

Кассация юкламасининг ҳаддан зиёд ортиши

Назорат тартибини бекор қилиб, кассация тартибига ўтиш натижасида Олий суддаги иш юкламаси мисли кўрилмаган даражада ошди. Газета.uz нашрида эълон қилинган расмий статистик маълумотларга кўра, Олий суд томонидан кассация тартибида кўрилган ишлар сони қуйидагича ўзгарди:

Йил	2020	2021	2022
Кассация ишлари сони	1 291	7 560	7 987
Ўсиш суръати (2020 йилга нисбатан, %)	—	+485,6%	+518,7%

1-жадвал. Олий суднинг кассация бўйича иш юкламаси динамикаси (2020–2022)

Бу рақамлар бир судьянинг ой давомида ўртача 89 та кассация ишини кўришига олиб келди. Натижада, «шикоятдаги важлар атрофлича текширилмай, иш бўйича яқуний қарор қабул қилинмасдан, суд қарори бекор қилиниб, қуйи судларга юбориш ҳолатлари кўпайди». Бу ўз навбатида ишларнинг кўрилиш сифатига жиддий таъсир кўрсатди.

Апелляция инстанциясидаги муаммолар

Олий суднинг 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича ахборотида кўра, вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар томонидан апелляция тартибида 1 970 та иш кўриб чиқилди. Шундан биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган 263 та қарор бекор қилинди ёки ўзгартирилди [14]. Бу кўрсаткич апелляция инстанциясида бекор қилинган қарорлар улуши жами ишларнинг 13,3 фоизини ташкил қилишини кўрсатмоқда.

Апелляция инстанциясида янги далилларни қабул қилиш масаласи ҳали ҳам баҳсли. ФПКнинг 396-моддаси апелляция инстанциясига янги далилларни ўрганиш ҳуқуқини бергани ҳолда, бу ҳуқуқдан фойдаланиш мезонлари аниқ белгиланмаган. Натижада суд амалиётида бу масала турлича ҳал қилинмоқда, бу эса ҳуқуқни қўллашда тенгсизликни вужудга келтиради. Мазкур муаммо Борисова томонидан Россия амалиёти мисолида «суд ҳужжатини текшириш механизмлари мақсад ва воситалари муносабати» муаммоси сифатида батафсил таҳлил қилинган [3].

Кассация «чиқиш фильтри» механизмининг йўқлиги

Амалдаги тизимда исталган тараф кассация шикоятини бериши мумкин, бунда шикоятнинг принципиал ҳуқуқий аҳамияти мезони мавжуд эмас. Бу ҳолат, маъмурий-ҳуқуқий таҳлилда

кўрсатилганидек, кассация судини «хуқуқий масалаларни ҳал қилувчи» инстанцияга эмас, балки «фактик ҳолатларни қайта текширувчи» органга айлантириш хавфини туғдиради. Нематов таъкидлаганидек, Ўзбекистон маъмурий суд ишларида «судлов муҳофазаси ҳали ҳам муаммоли» бўлиб, тизимли ёндашувни талаб этади [5].

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА: ҚИЁСИЙ ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Германия модели: «Revision» ва хуқуқий бирлик принципи

Германия фуқаролик процессуал тизимида кассацияга ўхшаш «Revision» институти хуқуқий масалаларни ҳал қилишга мўлжалланган бўлиб, фактик ҳолатларни текшириш ваколати апелляция инстанциясига (Berufung) юклатилган. «Revisionsbeschwerde» (кассация шикоят) ни бериш учун Федерал суд рухсати (Zulassung) талаб этилади. Рухсат берилиши учун иш принципал хуқуқий аҳамиятга эга бўлиши ёки хуқуқни бирхил қўллашни таъминлаш зарурияти мавжуд бўлиши лозим. Бу «фильтр» механизми Федерал суднинг реал аҳамиятга эга бўлган ишлар билан шуғулланишини таъминлайди.

Россия: назорат тартибини ислоҳ қилиш тажрибаси ва Европа стандартлари

Россиянинг советдан мерос қолган «надзор» (назорат) тартиби Европа инсон хуқуқлари суди (ЕИХС) томонидан «Брумареску — Молдова» ва бошқа ишларда қайта-қайта танқид қилинди. Коротеев ва Голубок 2007 йилда Россия Конституция суди ҳукмига бағишланган мақолаларида совет давридан мерос «назорат тартиби» — якуний суд ҳужжатлари устидан ғайриоддий мурожаат шакли — «адолатдан маҳрум қилиш» ва Европа стандартлари билан номувофиқлиги масаласини батафсил таҳлил қилди [7]. Ушбу тадқиқот Ўзбекистоннинг назорат тартибини бекор қилиш қарорининг халқаро хуқуқий нуқтаи назардан тўғри эканлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, Россия 2012 йилда кассация судларини ислоҳ қилишда алоҳида кассация судлари тузди, Борисованинг 2020 йилги мақоласида кўрсатилганидек, «суд ҳужжатларини текшириш соҳасидаги қонунчиликни янгилаш» бу ишнинг мақсад ва воситалари зиддиятини бартараф этишга хизмат қилди [3].

Франция: кассация «хуқуқни бирлаштирувчи» орган сифатида

Франция Кассация суди (Cour de cassation) тизими принципал жиҳатдан Ўзбекистон учун ўргатиш намунаси ҳисобланади. Кассация суди фактик ҳолатларни текширмайди — бу апелляция инстанциясининг вазифаси. Кассация суди фақат «хуқуқни нотўғри қўллаш» масаласини ҳал қилиб, ишни қайта кўриш учун пастки инстанцияга (Cour de renvoi) юборади. Асосий вазифаси — миллий миқёсда хуқуқни бирхил қўллашни таъминлаш. Ушбу модель Ўзбекистон учун кассацияни «хуқуқий бирлик» органи сифатида қайта тушунишга имкон беради.

Амалга оширилган таҳлил асосида суд ҳужжатларини қайта кўриш институтини такомиллаштиришга доир қуйидаги илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди: Апелляция инстанциясида «янги далил» тушунчасини аниқлаштириш. Ҳозирда ФПК, ИПКдаги «янги далилларни ўрганиши мумкин» нормаси шарҳга муҳтож. Тадқиқот асосида таклиф этамиз: янги далил деб «биринчи инстанцияда объектив сабабларга кўра тақдим этилмаган» далилни тушуниш ва бу талабни кодексда аниқ белгилаш зарур.

Апелляция ва кассация жараёнларини рақамлаштириш. Электрон шикоят тизимини, видеоконференцалоқа орқали суд мажлиси ўтказишни ва суд ҳужжатларини электрон тарзда тарафларга юборишни умумий амалиётга айлантириш зарур. Бу ишларни кўриш муддатларини қисқартиришга хизмат қилади.

Тафтиш тартибини (янги ҳолатлар бўйича) аниқлаштириш. Назорат тартиби бекор қилинган, «янги ёки янги очилган ҳолатлар» бўйича тафтиш механизми ягона ғайриоддий мурожаат воситасига айланди. Унинг асослари, муддатлари ва тартибини аниқлаштириш талаб этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳлар учун давлат божи имтиёзларини кенгайтириш ва бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали апелляция ва кассация ҳуқуқига амалий кириш имконини таъминлаш.

Судьяларни суд хатоликларини аниқлаш ва бартараф этишга доир махсус малака ошириш дастурларини жорий этиш. Одил судлов академиясида апелляция, кассация ва тафтиш ишларини кўрадиган судьялар учун ихтисослашган ўқув модулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Судларни бирлаштириш, яъни туманлараро фуқаролик ва иқтисодий ишларни туман судлари сифатида ташкил этиш. Яъни, бир туман ва шаҳарда туман (шаҳар) судлари негизида судьяларнинг ихтисослашувини ташкил қилган ҳолда ҳар бир ҳудудда жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришга ихтисослашган судьяларни ўз ичига олган судларни ташкил қилиш.

Маъмурий судларни Олий суд тузилмасидан ажратган ҳолда алоҳида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий судини ташкил қилиш, шунингдек вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлардан тафтиш инстанцияси судини алоҳида минтақавий тафтиш инстанцияси судларини ташкил қилиш, мазкур тартибни умумий юрисдикция судларида ҳам татбиқ этиш. Бунда, бугунги кунда мавжуд Қорақалоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар ҳудди шу судларда тафтиш тартибида қайта кўрилади. Бу эса аҳолида “қарға-қарғанинг кўзини чўқимайди” деган матал асосида судларга нисбатан ишончсизликни ортишига олиб келиш эҳтимолини оширади. Шу сабабли, минтақавий тафтиш судларини ташкил этиш бу каби муаммоларни олдини олишга хизмат қилади.

Апелляция ёки кассация инстанцияси судларидан бирини қолдириш зарур. Бу аҳолида ҳам тадбиркорлик субъектларидан ҳам тушунмовчиликларни олдини олишга хизмат қилади. Бунинг ечими сифатида, агар апелляция инстанцияси судини қолдирсак унди шикоят қилиш муддатини узрли деб топиш муддатларини 6 ой қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Амалиётда ҳам ўзи ФПК ва ИПК, шунингдек МСИЮТК кодексларда ҳам апелляция шикояти беришнинг ўтказиб юборилмаган муддатлари турлича, натижада барча юқорида келтирилган кодекслардаги муддатлар бир хл бўлишига ва бу ҳақаро тажрибага ҳам уйғун бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатларини қайта кўриш институти 2017-2024 йиллар давомида туб трансформация жараёнини бошдан кечирди. «Бир суд — бир инстанция» тизимига ўтиш, назорат тартибини бекор қилиш, апелляция ва кассация тартибларини модернизация қилиш — улкан ва прогрессив ислохотлар эди. Бироқ, кассация юкламасининг 2020 йилдан 2022 йилга қадар 485 фоиздан зиёд ортиши, апелляция амалиётидаги тартибсизликлар ва кассация «филтри» механизмнинг мавжуд эмаслиги — булар институтни янада такомиллаштиришни зарур қиладиган муаммолардир.

Мақолада ишлаб чиқилган таклифлар амалга оширилганда суд ҳужжатларини қайта кўриш институти самарадорлиги ошади, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи тўлароқ таъминланади ва умуман суд тизимига нисбатан ижтимоий ишонч мустаҳкамланади.

АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

1. Federal Judicial Center. Legal Reforms in Uzbekistan: A New Era [Электрон манба]. — URL: <https://www.fjc.gov/content/351047/legal-reforms-uzbekistan-new-era> (мурожаат санаси: 01.03.2024).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармони «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» // Lex.uz [Электрон манба]. — URL: <https://lex.uz/docs/4916350>.
3. Борисова Е.А. Новеллизация законодательства в сфере проверки судебных актов по гражданским и административным делам: цели и средства их достижения // Вестник гражданского процесса. 2020. № 2. С. 53–85.
4. Борисова Е.А. Понятие «проверка судебных актов» с точки зрения объективной действительности // Вестник гражданского процесса. — 2016. — № 1. — С. 10–34.
5. Nematov J. transformation of soviet administrative law: Uzbekistan's case study in judicial review over administrative acts // Administrative Law and Process. — 2020. — No. 1(28). — P. 105–125.
1. Nematov J. The Analysis of the Legislation Governing the Judicial and Legal Reforms of the Republic of Uzbekistan from 2017 to the Present // The American Journal of Political Science Law and Criminology. — 2023. — Vol. 5, Issue 04. — P. 51–58. DOI: 10.37547/tajpslc/Volume05Issue04-09.
2. Koroteev K., Golubok S. Judgment of the Russian Constitutional Court on Supervisory Review in Civil Proceedings: Denial of Justice, Denial of Europe // Human Rights Law Review (Oxford Academic). — 2007. — Vol. 7, Issue 3. — P. 619–632. DOI: 10.1093/hrlr/ngm018.
3. Yodgorov Kh. The Judicial System of Uzbekistan: Reforms and Outcomes // Regional Dialogue [Электрон манба]. — URL: <https://regionaldialogue.org/article/judicial-system-uzbekistan-reforms-and-outcomes> (мурожаат санаси: 10.03.2024).
4. Eshimbetov U. The Stages of Development of Consideration of Administrative and Legal Conflicts in the Order of the Court in the Republic of Uzbekistan // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. — 2024. — Vol. 11, No. 2. DOI: 10.18415/ijmmu.v11i2.5606.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқ сиёсати институти. Ўзбекистонда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш // Eng.illp.uz [Электрон манба]. — URL: <https://eng.illp.uz/ensuring-justice-and-the-rule-of-law-in-uzbekistan> (мурожаат санаси: 15.03.2024).
6. ЎРҚ-661-сон, 12.01.2021. Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида // Lex.uz. — URL: <https://lex.uz/uz/docs/5213920>.
7. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар суди. Янги жиноят судлови тартибида суд қарорларини қайта кўриш [Электрон манба]. — URL: <https://toshkent.sud.uz/ru/> (мурожаат санаси: 05.04.2024).

8. Суд қарорларини кассация тартибида кўриб чиқиш ваколати вилоят ва унга тенглаштирилган судларга ўтказилади // Gazeta.uz. — 2023 йил 27 октябрь [Электрон манба]. — URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2023/10/27/court/>.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Судлар томонидан 2023 йилнинг I ярим йиллигида кўриб чиқилган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар юзасидан ахборот // sud.uz [Электрон манба]. — URL: <https://old.sud.uz/1207-3/>.